Мамлакатларимизнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги тўғрисида кўпгина яхши гаплар айтилди ва яна айтилажагига аминман. Улар ҳақиқатан ҳам бунга сазовордирлар. Сизда яхши кишилар ўртасида дўстлик улар биргаликда олға қараб етти қадам қўймасданоқ пайдо бўлади, деган гаплар борлигини эшитиб билдим. Халқларимиз биргаликда босиб ўтган йўл жуда узоқ йўлдир. Ҳар икки томон Совет — Ҳиндистон муносабатларини ривожлантириш учун кўп иш қилди. Биз қила олган ишларимиздан мамнунмиз. Аммо мўлжалланган ишларнинг ҳаммаси бажарилди, деб ҳисобламаймиз, албатта.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг ҳозирги аҳволи тўғрисида таҳлил қилганда, бу муносабатларнинг кенг кўлами ва хилма-хиллиги билан бир қаторда уларда барқарорликнинг юксак даражасига эришилганлигини таъкидлаб ўтишни истар эдик.

Бу — муносабатларнинг характери, шу муносабатлар асосланган тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ишончнинг юксак принциплари барқарорлигидан ҳам иборат. Бу — муносабатлар тараққиётининг доимий динамизмидан ҳам иборат. Бу, ниҳоят, — бизнинг ўртамиздаги яхши муносабатлар турли сиёсий вазиятларда сақланиб қолганлигидан далолат беради, бу эса муҳим ҳолатдир.

Биз ҳозирги Осиёнинг атоқли сиёсий ва давлат арбоби Индира Ганди хонимга нисбатан ҳамиша зўр ҳурмат билан қараб келаётганлигимизни очиқ айтаман. Худди шунингдек, биз унинг буюк отаси — мустақил Ҳиндистоннинг асосчиларидан бири, Ҳиндистон — Совет дўстлигини бошлаб берган инсон Жавоҳарлал Нерунинг тарихий жасоратини ҳам тўла ҳурмат қиламиз.

Совет — Ҳиндистон муносабатларининг яна бир муҳим хусусиятини таъкидлаб ўтишни истайман. Ҳозирги кунда мустамлакачилик асоратидан халос бўлган мамлакатлар билан алоқаларимиз учун хос бўлган нарсаларнинг кўпи, халқаро алоқалар практикасига секин-аста, лекин муттасил жорий этилаётган соғлом, адолатли нарсаларнинг кўпи биринчи марта Совет — Ҳиндистон муносабатларида пайдо бўлди.

Мен яқинда Ҳиндистонда ёзилган ва Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ҳозирги пайтда социалистик мамлакатлар ва блокларга қўшилмаган мамлакатлар бирдамлиги қудратли фронтининг, империализм агрессия кучларига қарши турган ва уларнинг халқлар тинчлиги, озодлиги ҳамда мустақиллигига қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатларини тўсиб турадиган фронтининг муҳим қисмидир деган гаплари ўқидим.

Планетадаги халқаро иқлим анча мушкуллашган ҳозирги пайтда бу — айниқса, муҳим гап.

Ғарбдаги нуфузли сиёсатдонлар қуролланишни чеклаш ўрнига қуролланиш пойгасини кучайтиришга қарор бердилар. Улар ҳарбий тенгликни сақлаб қолиш ўрнига ҳарбий жиҳатдан устун бўлишга эришишни ният қилдилар. Улар ҳуқуқий жиҳатдан тенг бўлган томонларнинг музокаралар олиб бориши ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиги ўрнига зўравонлик ва дўқ-пўписа қилишга умид боғладилар. Улар кейинги йилларда жаҳондаги вазиятни жиддий равишда мушкуллаштира олдилар.

Ҳозирги пайтда масала шу тахлитда қўйилади: ҳўш ишлар бундан буён қайси томонга йўл олади? Ана шу салбий ва очиқ-равшан айтамизки, хатарли йўл давом этадиган бўлса, жаҳон жиддий хавф остида қолади. Ёки ақл-идрок ғалаба қилади ва бундай ҳолатда халқларнинг умидларига, барча мамлакатларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган конструктив сиёсат яна ўзига йўл очиб олади.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, бизнинг масалага ёндашувимиз принципиал ёндашув бўлиб қолаверали: биз ҳар қандай масалаларни реализм руҳида муҳокама қилишга, бошқаларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари билан ҳисоблашишга доим тайёрмиз.

Конфронтациядан музокаралар олиб бориш сари, можароларни кескинлаштиришдан уларни бартараф қилиш сари бурилиш ясашни таъминлаш — оддий вазифа бўлмаса ҳам, лекин зарур вазифадир, албатта. Мен бу вазифа ҳозирги куннинг энг инсонпарвар вазифаси дер эдим. Бу вазифани биргаликда, тинчликни истаётган ва тинчлик манфаатлари йўлида ҳаракат қилаётган ҳамма кишиларнинг куч-ғайрати билангина ҳал этиш мумкин. Бизнинг фикримизча, буни шу кунларда давлатларнинг ташқи сиёсатига баҳо беришнинг асосий мезони деб билиш керак.

Қуролни пеш қилиш ва ўз ҳоҳишини бошқа халқларга мажбуран қабул қилдиришга уриниш— давлат сиёсатининг донолигидан далолат бермайди. Бундай уринишлар ўтмишда бир неча бор рўй берган эди ва уларнинг нима билан тугаганлиги яхши маълум. Бошқа халқларнинг манфаатлари ҳисобига ёки уларга ошкора зўравонлик қилиш йўли билан бир томонлама фойда олишга интилиш ҳам давлат сиёсатининг донолигидан эмас. Мустамлакачилик системасининг ҳалокати бундай интилишнинг оқибати нима бўлганлигини кўрсатиб берди.

Бизнинг фикримизча, нотинчликларга, тазйиқ ва дўқ-пўписаларга учмай, қатъият ва изчиллик билан тинчликни ҳимоя қилиш, ўз халқининг хавфсизлиги ва осойишталигини бошқа халқлар билан тинч тенг ҳуқуқли ҳамкорлик асосида қуриш гарчи эҳтимол, ҳамиша ҳам осон иш бўлмасада аммо жуда оқилона ишдир.

Бугун биз Ҳиндистон раҳбарлари билан сермазмун ва фойдали фикрлашиб олишга киришдик. Фикрлашиб олиш худди шу рухда бораётганлигини таъкидлаб ўтиш ёқимлидир. Бундай фикрлашиб олиш мамлакатларимиз халқлари учун ва бутун жаҳонда тинчлик иши учун наф келтирадиган яхши натижалар беришига аминман.

Ҳурматли дўстларимиз ва меҳмондўст мезбонларимиз — Президент Нилам Санжива Редди жаноблари ва бош министр Индира Ганди хонимнинг соғлиги учун, дўст улуғ Ҳиндистоннинг муваффақиятлари ва равнақи учун, ер юзида мустаҳкам тинчлик учун қадаҳ кўтаришни таклиф этаман!

* * *

Н. С. Редди ва Л. И. Брежнев нутқлари зўр эътибор билан тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди.

Зиёфат дўстона вазиятда ўтди.

Л. И. БРЕЖНЕВ ҲИНДИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

ДЕҲЛИ, 9 декабрь. (ТАСС). Бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев Ҳиндистон Коммунистик партиясининг раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Ҳиндистон Компартияси Миллий Кенгашининг Бош секретари Р. Рао, Ҳиндистон Компартияси Миллий Кенгаши Марказий секретариатининг аъзолари Н. К. Кришнан, Б. Гупта, Р. Редди, И. Гупта, Г. Наир, И. Синха қатнашдилар.

Совет томонидан учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари И. В. Архипов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири Л. М. Замятин, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. М. Александров, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси Ю. М. Воронцов, КПСС Марказий Комитети ишлар мудирининг ўринбосари М. Е. Могилевец, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг референти Е. М. Самотейкин, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими секторининг мудири П. В. Куцобин иштирок этдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев ўртоқ Ражешвар Раони ва Ҳиндистон Коммунистик партиясининг бошқа раҳбарларини сидқидилдан, самимий табриклади, уларга КПСС Марказий Комитетидан ва барча совет коммунистларидан отаси, қардошлик саломи топширди. Совет коммунистлари, бутун совет халқи Ҳиндистон Коммунистик партиясига, унинг социал ва иқтисодий тараққиёт йўлидаги, Ҳиндистоннинг меҳнаткаш халқи манфаатлари йўлидаги изчил курашига зўр ҳурмат билан қарайдилар, деди Леонид Ильич. СССРда Ҳиндистон Компартиясининг СССР ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликни ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга қўшаётган катта ҳиссаси юксак баҳоланмоқда.

Ўртоқ Л. И. Брежнев совет коммунистларининг ўз партияси XXVI съездига қандай тайёргарлик кўраётганликларини, Совет Иттифоқида мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг яқин ўн йилга мўлжалланган планлари умумхалқ муҳокамаси қандай ўтаётганини гапириб берди, КПСС ички ва халқаро фаолиятининг актуал масалалари тўғрисида ҳинд ўртоқларни хабардор қилди.

Ҳиндистонлик дўстлар билан суҳбатда ўртоқ Л. И. Брежнев Бош министр Индира Ганди билан ва Ҳиндистоннинг бошқа давлат арбоблари билан музокаларнинг боришидан мамнун эканини изҳор қилди. Шу музокаралар СССР билан Ҳиндистоннинг кўпчилик актуал халқаро проблемалар соҳасида бир-бирига ўхшаш ёки яқин позицияларда туриб ҳаракат қилаётганларини кўрсатди. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, улар ўртасида кенг миқёсдаги яхши қўшничилик ҳамкорлигини ривожлантириш ҳозирги мураккаб вазиятда, ялпи тинчликка солинаётган хавфни камайтириш ва халқаро в

РОССИЯ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

РСФСР ёзувчиларининг 9 декабрь куни Катта Кремль саройида очилган V съезди делегатларининг асосий диққат-эътибори коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида ёзувчилар олдида турган масъулиятли вазифаларга қаратилган.

Тўпланганлар В. В. Гришин, А. П. Кириленко, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, И. В. Капитонов, В. И. Долгих, М. В. Зимянин ўртоқлари қарсаклар билан қутиб олдилар.

Делегатлар ва меҳмонлар ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлайдилар.

РСФСР Ёзувчилар союзи правлениесининг раиси С. В. Михалков «Ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб, совет жамиятининг бунёдкорлик характерини янада ёрқинроқ, янада маҳорат билан тасвирлайлик» деган мавзуда доклад қилди.

Съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, РСФСР Министрлар Советининг раиси М. С. Соломенцев нутқ сўзлади.

Россия ёзувчиларининг съезди ўз ишини давом эттирмоқда. (ТАСС).

ЧОРВАДОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 декабргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларда қолдиришга қарор қилинди:

— **Фарғона области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Умаров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Рустамов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ким). Бу область ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 98,3 процент, сут тайёрлашни 88 процент, тухум тайёрлашни 94,4 процент, жун тайёрлашни 117,6 процент бажарган;

— **Тошкент области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов). Бу область ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 97,5 процент, сут тайёрлашни 97,1 процент, тухум тайёрлашни 90,5 процент, жун тайёрлашни 121,4 процент бажарган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— Бухоро областининг **Ромитан райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қаландаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Собиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шарипов). Бу район ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик планини 122,5 процент, тухум топиришни 93,9 процент бажарган. Байроқ Фарғона давлат эътибор парранда заводидан олиб берилади;

— Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги **«Узпладоовощвинпром» бирлашмасига қарашли «Нукус» совхози** (директори ўртоқ Ермаков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Самудуллаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Мамбетниязов). Бу совхоз давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 114 процент, сут топиришни 105 процент бажарган. Байроқ Жиззах области, Галлаорол районидаги «Коммунизм» совхозидан олиб берилади;

— Жиззах область Арнасой районидаги **«Главсредазирсовхозстройга қарашли Тимошенко номли совхоз»** (директори ўртоқ Саитқулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдираимов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Хаитов). Бу совхоз ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 152,9 процент, сут топиришни 110 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё области, Қарши районидаги «Аврора» совхозидан олиб берилади;

— Тошкент область **Оҳангарон районидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номли совхоз — саноат комплекси** (директори ўртоқ Аллаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Осипова). Бу саноат комплекси маҳсулот тайёрлашда яхши ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 93 процент, шу жумладан ноябрь ойи планини 124 процент бажарган. Байроқ Сирдарё область, Оқолтин районидаги «Фарғона» совхозидан олиб берилади;

— **Урганч паррандачилик фабрикаси** (директори ўртоқ Матёқубов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маҳмудов, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Нурметов). Бу паррандачилик фабрикаси ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда яхши ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик планини 122,5 процент, тухум топиришни 93,9 процент бажарган. Байроқ Фарғона давлат эътибор парранда заводидан олиб берилади;

— Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги **«Узпладоовощвинпром» бирлашмасига қарашли «Нукус» совхози** (директори ўртоқ Ермаков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Самудуллаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Мамбетниязов). Бу совхоз давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 114 процент, сут топиришни 105 процент бажарган. Байроқ Жиззах области, Галлаорол районидаги «Коммунизм» совхозидан олиб берилади;

— Жиззах область Арнасой районидаги **«Главсредазирсовхозстройга қарашли Тимошенко номли совхоз»** (директори ўртоқ Саитқулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдираимов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Хаитов). Бу совхоз ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 152,9 процент, сут топиришни 110 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё области, Қарши районидаги «Аврора» совхозидан олиб берилади;

— Узбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг **Самарқанд балиқ комбинати** (директори ўртоқ Қаршиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Умаров, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Тожиев). Бу комбинат балиқ овлаш планини 104,7 процент, балиқ маҳсулотлари етказиб бериш планини 101,6 процент, фойда олиш планини 100 процент бажарган. Байроқ Хоразм балиқ комбинатидан олиб берилади;

— Самарқанд область, **Пахтачи район матлубот союзининг молларни сўқимга боқиш хўжалиги** (раиси ўртоқ Эргашев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроева, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Хўжаев, молларни сўқимга боқиш хўжалигининг директори ўртоқ Кишбаров). Бу хўжалик гўшт етиштириш планини 103,7 процент, молларни семиртириш планини 100,9 процент бажарган, қорамолни бир суткада ўрта ҳисобда 850 грамм семиртирган. Байроқ Наманган область Тўрақўрғон район матлубот союзининг молларни сўқимга боқиш хўжалигидан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 декабргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларда қолдиришга қарор қилинди:

— **Фарғона области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Умаров, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Рустамов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ким). Бу область ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 98,3 процент, сут тайёрлашни 88 процент, тухум тайёрлашни 94,4 процент, жун тайёрлашни 117,6 процент бажарган;

— **Тошкент области** (область партия комитетининг секретари ўртоқ Мусахонов, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Раҳмонов). Бу область ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 97,5 процент, сут тайёрлашни 97,1 процент, тухум тайёрлашни 90,5 процент, жун тайёрлашни 121,4 процент бажарган.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

— Бухоро областининг **Ромитан райони** (район партия комитетининг секретари ўртоқ Қаландаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Собиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Шарипов). Бу район ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик планини 122,5 процент, тухум топиришни 93,9 процент бажарган. Байроқ Фарғона давлат эътибор парранда заводидан олиб берилади;

— Қорақалпоғистон АССР Нукус районидаги **«Узпладоовощвинпром» бирлашмасига қарашли «Нукус» совхози** (директори ўртоқ Ермаков, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Самудуллаев, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Мамбетниязов). Бу совхоз давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 114 процент, сут топиришни 105 процент бажарган. Байроқ Жиззах область, Галлаорол районидаги «Коммунизм» совхозидан олиб берилади;

— Жиззах область Арнасой районидаги **«Главсредазирсовхозстройга қарашли Тимошенко номли совхоз»** (директори ўртоқ Саитқулов, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Абдираимов, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ Хаитов). Бу совхоз ноябрь ойида маҳсулот тайёрлашда энг юқори ўсишга эришишни таъминлаган ва давлатга гўшт топириш йиллик ҳажмини 152,9 процент, сут топиришни 110 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё области, Қарши районидаги «Аврора» совхозидан олиб берилади;

— Узбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг **Самарқанд балиқ комбинати** (директори ўртоқ Қаршиев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Умаров, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Тожиев). Бу комбинат балиқ овлаш планини 104,7 процент, балиқ маҳсулотлари етказиб бериш планини 101,6 процент, фойда олиш планини 100 процент бажарган. Байроқ Хоразм балиқ комбинатидан олиб берилади;

— Самарқанд область, **Пахтачи район матлубот союзининг молларни сўқимга боқиш хўжалиги** (раиси ўртоқ Эргашев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Ҳамроева, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Хўжаев, молларни сўқимга боқиш хўжалигининг директори ўртоқ Кишбаров). Бу хўжалик гўшт етиштириш планини 103,7 процент, молларни семиртириш планини 100,9 процент бажарган, қорамолни бир суткада ўрта ҳисобда 850 грамм семиртирган. Байроқ Наманган область Тўрақўрғон район матлубот союзининг молларни сўқимга боқиш хўжалигидан олиб берилади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш юзасидан социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 декабргача бўлган якунларини кўриб чиқдилар

КУН ТАРТИБИДА:

ИҚТИСОД ФАНИНИНГ АКТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

КПСС XXV съезди ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг муҳим йўналишини — ривожланган социализм, унинг коммунизмга ўсиб ўтиш қонуниятларининг амал қилиши ва фойдаланлиши механизми назариясини тадқиқ этиш, ижтимоий муносабатларни такомиллаштириш назарияси ишлаб чиқишни давом этдириш вазифасини белгилаб берган эди. Бу илмий проблемаларни кенг миқёсда тадқиқ этиш барча жамиятшунос, социолог, файласуф ва иқтисодчи олимларнинг партия ва халқ олдидаги муқаддас бурчидир.

Юқорида кўрсатилган илмий проблемалар системасида ривожланган социализмнинг ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемаси катта ўрин эгаллайди. Жамиятимиз ишлаб чиқариш муносабатлари такомиллаша борган сари унинг ишлаб чиқариш кучлари шунча юқори суръатларда тараққий этади, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари кўпая боради.

Ўнинчи беш йилликда мамлакатимиз иқтисодий илмий-тадқиқот институтларида, олий таълим ўқув юртлари сиёсий иқтисод кафедраларида ривожланган социализм ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемаси муваффақиятли тадқиқ этилмоқда. Шу жумладан Тошкент халқ хўжалиги институти сиёсий иқтисод кафедраларида етук социализмнинг ишлаб чиқариш мувосабатларини такомиллаштириш масалаларини илмий тадқиқот этиш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу соҳада олиб борилган илмий ишларнинг дастлабки натижалари илмий тўпламларда ва айрим монографияларда нашр этиб борилмоқда. Институтда ривожланган социализм ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш борасидаги илмий-тадқиқот ишларини янада кучайтириш ва уларнинг самарадорлигини оширишдаги мақсадида 1976 йил махсус Координация Совети тузилган эди. Бу Совет фаолияти сиёсий иқтисод ва бошқа ижтимоий, конкрет иқтисодий фанлар кафедраларини қўйилган илмий проблемаларни биргаликда ҳал қилишга актив жалб этишга қаратилган. Координация Совети ўз фаолиятини кенгайтира бориб фақатгина институтимиз назариётчи иқтисодчи олимларнигина эмас, балки республикамиз бошқа олий ўқув юртларининг иқтисодчи олимлари эътиборини ҳам кўп қиррали ва мураккаб илмий проблема бўлган «Ривожланган социализмнинг ижтимоий-ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемаси»ни тадқиқ этишга уюштирмоқда ва бу соҳадаги илмий тадқиқот ишларининг самарадорлигини оширишга эришмоқда.

Кўп йиллик илмий изланишларнинг натижалари асосида эртага институтимизда «Ривожланган социализм ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш проблемалари» мавзусига бағишланган илмий назарий конференция ўтказилади. Бу конференция Ўзбекистон ССР Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги, республика Фанлар академияси Иқтисод институти, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети, Ўзбекистон ССР Госплани қошидаги иқтисодий тадқиқотлар институти, «Социализмнинг ривожланиши ва унинг коммунизмга ўсиб ўтишининг иқтисодий қонуниятлари» проблемаси бўйича СССР Фанлар Академияси Илмий Советининг Ўрта Осиё секцияси билан хамкорликда тайёрланмоқда. Илмий назарий конференциянинг мақсади — ривожланган социализмнинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштириш. бу соҳадаги илмий ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Конференцияда тинглананадиган ва илмий мунозара қилинадиган докладлар ва музокаралар ривожланган социализм ишлаб чиқариш муносабатлари бутун системасини ўз ичига олади ва қўйилган проблеларни ечишга комплекс, ҳар томовлама ёндашилади.

Конференцияда иқтисодий фан ютуқларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этишни кучайтириш масаласига айниқса катта эътибор берилади.

Социалистик ижтимоий мулк, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол, планлилик, коллективизм, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш ривожланган социализм хўжалик механизми системасининг барча бўғинларини, хусусан бошқариш, планлаштириш ва моддий рағбатлантиришни такомиллаштиришга хизмат қилади. Хўжалик механизмининг янада мукаммаллаштирилиши эса халқ хўжалигининг пировард натижаларини кўпайтиради ва ижтимоий-ишлаб чиқаришнинг социал-иқтисодий самарадорлигини ҳамда халқ хўжалигининг барча тармоқларида иш сифатини кескин яхшилашга хизмат қилади.

Катта илмий анжуманда ишлаб чиқилган тавсиялар социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг назарий ва амалий проблемалари ечимини топиш асосида хўжалик механизмини янада такомиллаштириш ва унинг ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги ролини кучайтиришга қаратилган. Бу иқтисодчи олимларнинг КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1979 йил 12 июлда қабул қилган «Планлаштиришни яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳамда иш сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ этиш борасида қилинаётган улкан ва шарафли ишга қўшган ҳиссаси бўлади.

КПСС Марказий Комитетининг матбуотда эълон қилинган партиямизнинг XXVI съездига «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида ижтимоий фанлар соҳасида қўйилган вазифалар, хусусан назарий ва амалий вазифаларни ҳал қилишда материалистик диалектиканы қўлланиш асосида сиёсий иқтисод проблемаларини ишлаб чиқиш, ривожланган социализм, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг назарий масалаларини тадқиқ этишни, илмий-техника тараққиётининг социал-иқтисодий проблемалари, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, аграр сиёсат соҳасидаги илмий тадқиқотларни кенгайтириш бўйича қўйилган янги вазифалар сиёсий иқтисодчи олимларни илҳомлантиради ва янги зафарли ишларга чорлайди.

Совет иқтисод фанининг актуал проблемасига бағишланган илмий-назарий конференцияни ўтказиш билан биз иқтисодчи олимлар КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини шонли партиямизга зўр ифтихор туйғулари билан муносиб кутиб оламиз.

О. АМИНОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор.

М. ИНОМОВ,
иқтисод фанлари кандидати, доцент.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг янгиловчи йилини муваффақиятли тугатиш, КПСС XXVI съездига муносиб туҳфа ҳозирлаш йўлида ғайрат қилмоқдалар. Жумладан Қирғизистонда бунёд этилаётган Курпсой ГЭСи қурувчилари партия съезди очиладиган кунга қадар нурхонанинг дастлабки агрегатини ишга солишга аҳд қилишган. Суратларда: (чапдан) 1. Курпсой ГЭСи қурилиш майдонининг кўриниши. 2. «Атоммаш»да ҳисоблаш маркази фойдаланишга топширилди. Программчи инженерлар Л. Курочкина билан Л. Ефименколар иш устида. 3. Жанубий Ўралдан Карпат тоғи довонларигача чўзилган газ қувурларини «Дўстлик магистрали» деб аташади. Совет Иттифоқи ва Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамкорлигида бунёд этилган ана шу қувурлар орқали арзон ёқилғи етказиб берилмоқда. Газ компрессор станцияси совитиш участкасининг кўриниши акс эттирилган.

ТАСС фотохроникаси.

ЭГИЗАКЛАР

Польшанинг Марказий статистика бюроси маълумотларига кўра 1949 йилдан то 1972 йилгача бўлган даврда мамлакатда туғилган ҳар миллион чақалоққа 96 тадан уч эгизак тўғри келган. Қизиғи шундаки, уч эгизак туққан аёлларнинг ёши 30 дан ошган.

ЎЗБЕК ОПЕРАТОРИГА ФЕСТИВАЛЬ МУКОФОТИ

Қардош Украина ССРнинг пойтахти Киев шаҳридан хушхабар келди. Бу ерда ўтказилган «Ёшлик-80» республика кинофестивалида «Ўзбекфильм» студиясининг оператори Даврон Абдуллаев «Ватанга хизмат қилиб» лентаси учун фестивалнинг «Энг яхши операторлик иши» мукофотига сазовор бўлди.

Бу фестиваль республика киночи ёшларининг кўриги бўлди. Унда қардош республикаларнинг вакиллари ҳам қатнашишди. Кинофестивалдаги асосий совринни — хрусталь кубокни «Мосфильм» киностудиясининг «Дебют» ёшлар ижодий эксперименталь бирлашмаси коллективи қўлга киритди. Бу мукофотга коллектив томонидан яратилган «Кузенковга нима мумкин», «Бўйдоқлар», «Бумеранг» фильмлари сазовор бўлди.

Мамлакатимизнинг кўпгина ижодий коллективлари фестиваль лауреати бўлишди. Ленинградлик Константин Лопушанский, киевлик актёр Андрей Харитоновлар фестиваль лауреати бўлишди.

АХБОРОТ

КАРИМОВЛАР СУЛОЛАСИ

Носиржон Каримов Учқўрғондаги 9-пахта тозалаш заводига ишга келганида 18 ёшда эди. 37 йилдирки, у жин машинасида ишлаш касбини ўрганиб олган, ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Бугунги кунда корхона «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган М. Сиддиқов, У. Пўлатов, К. Мўминов сингари илғор ишчилар Носиржон Каримовни ўз мураббийси сифатида қадрлашади.

Ҳозир корхонада уч нафар Каримов меҳнат қилмоқда. Булар ота ва унинг ўғиллари Нозимжон, Акрамжон Каримовлар. Ота изидан бориб жин дастгоҳлари сирини чуқур ўрганган ўғиллар ҳам мусобақада пешқадам.

Ж. УМАРОВ.

ҚИШЛОҚДА ФАБРИКА

Фарғона область, Бувайда райони маркази — Янгиқўрғон қишлоғида Фарғона тўқимачилик комбинатининг филиали — ип-йигирув фабрикаси қурилиши жадал давом этмоқда. Қурилишни 44-кўчма механизациялашган колонна коллективи олиб борянти. Колоннанинг Т. Ҳакимов, А. Ҳолиқов, Т. Исоқов, Р. Маматқулов ўртоқлар бошлиқ комплекс қурувчилар бригадалари мусобақада пешқадамлик қилмоқда.

Келгуси йилдаёқ фойдаланишга топширилади ган корхонада ишлар уч сменада ташкил этилиб, 1200 нафардан ортиқ тўқувчи 34 минг урчуқни ҳаракатга келтиради.

Қ. ТУРСУНОВ.

МИЛЛИОНЕР МЕХАНИЗАТОР

Александр Селеверстовни «Дренажстрой» трестига қарашли 34-механизациялашган кўчма колоннада барча бирдек миллионер механизатор деб фахр билан тилга олади. Бу, бежиз эмас. А. Селеверстов ўнинчи беш йилликда 2 миллион кубометрдан ортиқ тупроқ ишлари бажариб, рекорд натижага эришди.

Жиззах даштларини ўзлаштиришга муносиб ҳисса қўшаётган пешқадам механизатор беш йилликнинг ўтган даврида пландаги 850 минг кубометр ўрнига 1 миллион 700 минг кубометр тупроқ ишлари бажариш мажбуриятини олган эди. У бугунгача 2 миллион 485 минг кубометр иш бажариб, мажбуриятини ҳам ошириб ado этди. Миллионер механизатор А. Селеверстов ҳозир 1990 йил ҳисобига иш бошлади.

М. МАМАДАЛИЕВ,

* * *

Шунингдек, фарғоналик **М. Қурбоналиева**, бухоролик **Н. Сафаров**, самарқандлик **М. Раҳматов**, тошкентлик **Қ. Одинаев**, наманганлик **Ю. Шарипов**, андижонлик **Н. Шерматов**, **М. Каримов**, қашқадарёлик **Х. Қўқонов** сингари бошқа ўртоқлар ҳам редакциямизга хат йўллаб, саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотлари коллективлари эришаётган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилганлар.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.05 —Гимнастика. 10.30 — Концерт. 11.20 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Шахмат мактаби. 16.45 — Совет композиторларининг симфоник миниатюралари. 17.10 — Рус тили. 17.30 — Горничлар, қаердасиз! 18.10 — Фан оламида. 18.40 — Ҳиндистон бўйлаб. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Талабларингизга биноан учрашувлар. 20.20 — Зита ва Гита. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.30 — Опера билан учрашув. 23.40 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Геометрик оптиканинг қонунлари. 13.00—Телевизион театр. 14.10— Афсона кишилари. Фильм. 18.20 — Мультфильм. 18.40 — КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорлари — ҳаётда. 19.00 — Халқ контроли экрани. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Баскетбол бўйича СССР чемпионати. «Университет» (Тошкент) — «Статиба» (Вильнюс). 20.20 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон композиторларининг камер асарлари. 21.30 — Время. 22.30 — Б. Бойқобилов. Тун ва кун. Спектакль. 2-қисм. 23.40 — Оламда нима гап?

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Француз тили. 20.55 — Бизнинг бош мухбиримиздан. 21.25 — Физика. 22.25 —Николай Кузнецов. Фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон давлат телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.35 — Хор асарлари. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний 13.00 — Хлорелла ва бўрдоқичилик. 14.00—Сифат ва самарадорлик ютуқларимиз мезони бўлди. 18.15—Ўзбекистон терапевтларининг съездига. 18.25 — Камтар шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 19.25 — Қувноқ қўшиқлар гулдастаси. 21.00 —Инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш Халқаро кунига. 21.10 — Бир шеър кечаси. 21.30 — Татар халқ қўшиқлари. 22.30 — Ёш ижрочилар концерти. 23.15 — Тинглаб, дам оламиз.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги
ЛЕНИН ОРДЕНЛИ Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
ТОШКЕНТ БИР ЙИЛЛИК БОҒБОНЛАР ТАЙЁРЛАШ МАКТАБИ
1981 йилга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мактаб колхоз ва совхозлар учун боғдорчилик, узумчилик, пальметта боғлари бўйича малакали кадрлар, цитрус мевалар, гулчиликка оид мастер- технологлар тайёрлайди.

Боғбонларнинг малакасини оширади ҳамда қўшимча равишда шофёрлик касбига ўргатади.

Мактабга боғдорчилик, узумчилик соҳасида 2 йиллик иш стажи бўлган, 7—10-синф ҳажмида маълумотли шахслар колхоз ва совхозлар йўлланмаси билан қабул қилинади.

Ўқишга юборилган колхоз аъзолари ва совхоз ишчи-хизматчиларига иш жойидан ўртача ойлик маоши сақланади.

Ўқувчилар стипендия ва ётоқхона билан таъминланади.

Мактабга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (аттестат, шаҳодатнома), ўқишга юборилганлиги ҳақида ишлаб турган хўжалик томонидан берилган йўлланма, соғлиғи ҳақида ишлаб турган хўжалик томонидан берилган йўлланма, соғлиғи ҳақида справка (286-форма), учта фотосурат (3х4 см), таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, мактаб директори номига ариза.

ЎҚИШ 2 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тошкент райони, Гулистон қишлоқ Совети (107, 108-автобусларнинг «Сельсовет» бекати).

«СРЕДАЗТЕПЛОМОНТАЖ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ ПУНКТИ
Футеровкачи-кислотаупорчилар ва термоизоляция ишларининг изолировкачиларини тайёрлайдиган
3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Камида 18 ёшли, 8—10 синф ҳажмида маълумотли эркаклар ва аёллар, шунингдек, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхона берилади.

Ўқишга қабул қилинганлар ишлаб чиқаришга 2-разрядли ишчи сифатида юборилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

Ўқишни тугатганларга танланган ихтисос бўйича III-разряд малакаси берилади ва улар Тошкент «Монтажхимзашита» бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: 700031, Тошкент шаҳри, Шпильков кўчаси, 3-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11, 13, 25-трамвайлар; 3, 9, 11-троллейбусларнинг «Марказий бозор бекати). Телефонлар: 56-45-46, 56-40-43.

КЎЗЛАРИНГГА НУР БЎЛУРМАН...

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Чорвадорларнинг районда ўтказиладиган йиғилишига колхоздан икки киши — раис билан сут соғувчи Дурдигул Оққиева таклиф этилган эди. Раис Дурдигулни ҳам бирга олиб кетмоқчи бўлиб, йўл-йўлакай унинг уйи томон бурилди.

— Саҳарлаб фермасига жўнаворган... — жавоб қилди пешвоз чиқиб келаётган Муаззам ая.

— Йиғилиш-чи?

— Йиғилишга фермадан ўтарман, деб эгнини ҳам ола кетганди...

— Ўзингиз қалай юрибсиз, ийда зерикиб қолмаяпсизми? — онадан ҳол-аҳвол сўради раис.

— Зерикишга вақт йўқ,— жилмайди она. — Уй ишлари... Мана энди невара боқяпман. Келиним ишда. — У баъридан тутиб турган болакайни ердан кўтариб олдида, қучиб бағрига босди. — Болагинамнинг боласи — қантак ўрикнинг донаси...

— Оналар меҳрининг адоғи бўлмас экан, — йўл-йўлакай ўйлаб борарди раис. — Бўлмаса, ўн бир болани вояга етказиб, ўқитиб, оёққа қўйгани, эл-юрт олдидаги хизматини ҳам дўндиргани етмагандай, невара тарбияси билан машғул бўлишга, бунга вақт, иштиёқ топишнинг ўзи бўладими?! Бир эмас, беш эмас, ўн бирингизни катта қилганим етмасмиди, деса биров унинг елкасига боласини ортмоқлаб қўярмиди... Бундай дейишга онанинг тили айланмайди. Негаки, бола овозини эшитган чоғида кўнглига ажиб бир илиқлик шалоладек қуйилиб, меҳри тошиб келаётганда, баҳри-дили қуёш табассумидай очилади-кетади...

Муаззам ая Ондаевага Қаҳрамон она нишони берилди. Болаларини ақлли-ҳушли, эл-юртга муносиб кишилар қилиб вояга етказгани учун уни яна бир бор қаҳрамон деса арзийди. Катта ўғли Исомиддин пахтачилик бўйича агроном, Назрулласи гидротехник, қизларидан учраси сут соғувчиликка меҳр қўйган, қолган болалари мактабда, олий ўқув юртларида ўқишяпти. Ҳавас қилса арзийдиган ёшлар. Онасининг қизи, отасининг ўғли деб шуларни айтса бўлади. Марҳум Жума ака Оққиев қишлоқдаги ҳурматли кишилардан бири эди. У колхозда бухгалтер бўлган, қишлоқ Советига раислик, колхоз партия ташкилотига секретарлик қилган. Муаззам ая эса колхозда чорак аср сут соғувчилик қилди. У пенсияга чиқиб кетгунича ҳам район бўйича илғорликни қўлдан бермади. Меҳнатлари Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» орденлари билан тақдирланди. Пенсияга чиқиб ҳам бир неча йил ишини давом эттирди. Бир куни у раиснинг олдига қизини бошлаб келди.

— Мана энди ишимни қизимга топшириб, дам олсам бўлади. — Она Дурдигулнинг 10-синфни битириб, фермада сут соғувчи бўлиб қолишга аҳд қилганини айтди.

Қиз онаси айтганидан ҳам зиёда чиқди. Ишлагаининг биринчи йилиёқ у ҳам районда энг илғор соғувчи бўлиб қолди. Меҳнат кўрсаткичлари йил сайин ўсиб борянти.

... Раис районга етиб келганида ҳали йиғилиш бошланмаган экан. Район колхозларидан келган активлар, чорвадорлар тўпланиб, гурунглашиб, туришарди. Сут соғувчи қизлар даврасида елкасига шойи рўмолни ташлаган Дурдигул ҳам кўринди. Йиғилишда Олот районида сут соғиш бўйича энг юқори кўрсаткичга эришган Ф. Хўжаев номли колхознинг донгдор сут соғувчиси Оққиевага биринчи бўлиб сўз берилди. У чорва қишлоғига тайёргарлик ҳақида гапирди. Бу йиғилиш ҳали-ҳали Дурдигулнинг эсидан чиқмайди. Негаки, ўшанда район сут соғувчиларининг навбатдаги семинарини энг илғор ҳисобланган Дурдигуллар фермасида ўтказишга қарор қилинганди.

— Безовта бўлганингча бор экан, қизим, — деди Муаззам ая райондан қайтган қизини серташвиш ҳолда кўриб. — Семинар ҳам ўзига яраша бир кўрик. Ҳа-ҳа, меҳнат кўрсаткичларинигина эмас, ферма озодагарчилиги, говмушларнинг соғлиғи, парвариши, қолаверса соғувчилар маданиятининг ҳам кўриги...

Эртасигаёқ фермада қизғин иш бошланиб кетди. Дурдигул ёнига молбоқар йигитлардан Нусратулла, Дурди, Нурилла, Ёркин ҳамда дугоналарини олиб молхоналарни тозатишди, деворларини оқлашди. Ферма ҳовлиси ем-хашак чиқиндиларидан тозаланди. Ҳулди уй кўтарган бекадай қизлар енгил тортишди.

Семинар қатнашчилари фермага келишганда айни соғин пайти эди. Ҳар йиғилишда районда намунали хўжалик сифатида тилга олинадиган ферма ҳаётини меҳмонлар ўз кўзлари билан кўриб туришибди. Улар ҳам шуларга ўхшаган сут соғувчи. Сигирларнинг зоти ҳам, фермадаги шароит, озуқа, ем-хашак ҳам бир хил. Улар ҳам сигирларни шу усулда соғишади. Лекин бу ферма районда ҳар бош сигирдан энг кўп сут соғиб олишга эришяпти. Бунинг сири нимада?! Қаттиқ интизомда! Чорвадорлардаги масъулият ҳисси ҳамма ғарсадан кучли. Говмишларга бир пайтда овқат солинади. Озуқа миқдори, сифати меъёридан паст бўлса ёки қўшимча овқатлантириш лозим бўла туриб, бунга риоя қилинмаса бу фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Соғин, яйлов, суғориш пайтида вақтдан тўғри фойдалансанг ишинг осон кўчади. Ҳа, ҳа, ўзингга ҳам, жамоат ишларига ҳам улгурасан.

Семинар якунланаётган пайтда бу ҳақда катта гап бўлди. Кимдир Дурдигул бошлиқ соғувчи қизлар ишдан бўш вақтларини бадиий китоблар ўқиш, бичиш-тикиш, пазандачилик, куй-қўшиқ билан машғул бўлиб жуда кўнгилли, маданий ўтказишади деб ҳавас билан гапирди. Кимдир, қизлар ишдан бўш вақтларида ферма атрофидаги биринчи бригада пахтакорларига яқиндан ёрдам кўрсатиб, ўтган йили 20 тонна, бу йил эса 30 тонна пахта териб беришганини ҳикоя қилади. Дарвоқе, вақт ҳақида. Буни Дурдигул мисолида бир кўринг. Унинг ўзи бир нечта жамоат ишларини бажаради. Д. Оққиева район ва область партия комитетларининг бюро аъзоси, Жумабозор қишлоқ Советининг депутати. Уч йилдан буён ферма партия ташкилотининг секретари. Бу йил у илғор сут соғувчилардан Махфира Жумаева билан Фотима Пирнаевани КПСС аъзолигига тайёрлади...

Қилган меҳнатларинг орқасидан қувалашиб келадиган яхши гаплар, бахтли онларга ҳеч нарса тенглашолмайди. Дурдигуллар бугун ҳам яхшилик билан юзмаюз келганга ўхшашади. Узоқдан келаётган қизларга кафтини соябон қилиб қараб турган Муаззам ая буни юрак-юракдан ҳис этиб турибди. Улар энг ташвишли, долзарб кезларда бир-бирларига суянганларидек, қувончли дақиқаларида ҳам бир-бирларидан сира ажралишолмайди... Ана олдинда Гулруҳ, Тозагул, Сора, Гуландом, уларнинг кетларида Дурдигул, Жамила, Робия, Маҳфуза...

— Бўйларингга тасаддиқ бўлайина, келинглар, кела қолинглар...

Соғувчи қизлар онани ўраб олишди:

— Планни бажардик... Бугун байрам энажон, — шарақлаб кулишади қизлар, гапни бири олиб, бири қўяди...

— Ҳар кимга ҳам болаларинг роҳатини кўриш насиб этсин, — енгил энтиқди она. Насиб этгани шу-да. Ферма билан уйи орасида қатнаган йигирма беш йиллик умр ишлари ўзи билан қолиб кетмади. Учиб кетмайдиган бўлди. Ишини Дурдигул давом эттиряпти. Ўзидан яхшироқ қилиб давом эттиряпти. Шундай бўлиши керак. Бу ҳаёт қонуни. Агар у қизига ўз тажрибасини ўргатган бўлса, мана энди Дурдигул синглисига иш ўргатяпти. Робияни фермага тортди. У ҳам ўз навбатида кичик синглиси Тожихонни соғувчиликка тайёрлаяпти. Тожихон келгуси йили ўнинчи синфни тугатадию, фермага қанот қоқиб учади. Қизларининг тақдири бевосита унинг ҳаёт йўли, орзуларининг давомига айланиб кетди. Болаларининг берган оқ сутини оқлашаётгани, кўзларига нур бўлаётгани шудирда. Улар на фақат онанинг тилаги, онасининг кўзларига нур... Улар жонажон қишлоқлари, эл-юртлари кўзига ҳам нур.

Дилбар МАҲМУДОВА,
Ҳошим ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг махсус мухбирлари.

Олот районидаги Ф. Хўжаев номли колхоз.

СПОРТ

КЎРИК-КОНКУРС:

ҒОЛИБЛАР САФИДА

1980 йилда уй-жойлардаги аҳоли ўртасида физкультура-соғломлаштириш ва оммавий-спорт ишларини яхши йўлга қўйиш бўйича «Известия» газетаси совринн учун ўтказилган Бутуниттифоқ кўрик-конкурси якунланди. Совриндор шаҳар ва районлар қатори Зарафшон шаҳри ҳам мукофотли ўринни эгаллади. Тошкентнинг «Ёш динамочи» клуби ҳам физкультура, спорт-техника ва ўсмирлар клублари кўригининг ғолиблари қаторидан жой олди. «Жами оила билан стартга» шиори остида ўтказилган мусобақада иштирок этиш яхши уюштирилганлиги учун Тошкентнинг Куйбишев райони кўрик-конкурс лауреати деган шарафга лойиқ кўрилди.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● **ХОККЕЙ.** Тошкентнинг «Бинокор» командаси «Сибирь» хоккейчиларини қабул қилиб (4:5, 5:3), мавқеини бироз мустаҳкамлади. «Бинокор» ҳисобидаги очколар 31 тага етиб, кучли коллективлар қаторидан жой олиб турибди.

● **ФУТБОЛ.** «Пахтакор» футболчилари Сингапурда меҳмон бўлиб турибдилар. Сингапур терма командаси билан ўтказилган биринчи учрашув (1:2) майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. Тўпни пахтакорчилардан Н. Амриев киритди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Тошкент алоқа электротехника институти қошидаги
ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ
рўзғор электроникаси факультетида
МАШҒУЛОТЛАРНИ БОШЛАЙДИ

Факультет тингловчиларни замонавий радиотехника, қурилмалар асоси ҳамда рўзғор радиоэлектрон асбобларидан фойдаланиш билан таништиради.

Ўқув программаси умумий ўрта маълумоти бўлган кишилар кенг оммасига мўлжалланган.

Ўқиш муддати — 2 йил.

Машғулотлар ҳар ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанба кунлари Тошкент алоқа электротехника институти ўқув корпусининг 116-аудиториясида соат 19.00 дан 20.30 гача ўтказилади.

Тингловчилар фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, маълумоти ва иш жойи кўрсатиб ёзилган аризани қуйидаги адресга топширадилар: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Энгельс кўчаси, 108-уй, ЭКП кафедраси, рўзғор электроникаси факультети декани.

Справкалар учун соат 10.00 дан 18.00 гача 825-хонага учрашилсин.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
10 декабрдан бошлаб
ЯНГИ ПРОГРАММА
Аренада — москваликлар Наталья РУБАНОВА раҳбарлигидаги
«ИЛЛЮЗИЯЛИ КАЛЕЙДОСКОП»
(2 бўлимдан иборат катта программа)

Манежда масхарабозлар группаси: Анатолий ЛЯДНЕВ, Петр РАЕВ, Владимир ЧУХНАКОВ, Виктор ВИЛИМОНОВИЧ.

Коллектив заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-84, 44-35-91.

Ўзбекистон ССР Кинематография давлат комитети Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси директори Т. Н. Нодировга акаси
Нурмат
ХОЛМАТОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор— 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-18, саноат, транспорт ва капитал қурилиши— 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20; 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-28; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20, Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27, Сурхондарё — 3-92-36, Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона —4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станцияси — 33-80-50.

Р. 03411. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, Индекс 64583. Б. — 282. 10